



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ
ТАРИХ ВА ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ



МИЛЛИЙ ВА ИЛМИЙ ТАРИХИМИЗНИ
УЛУҒЛАШ – ИСТИҚБОЛЛИ ВА УМИДЛИ
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИЙ
ОМИЛИ МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ОНЛАЙН

КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ



18	Bebitov Maqsud Abdirasulovich Shavqatulloev Do`stmuhammad	Muhammad Yusuf Mayusi hayoti va ilmiy merosi	85-88
19	Bebitov Maqsud Abdirasulovich Мансурова Мархабо Исматуллоевна	Заҳартепа қадамжосининг тарихий манзараси	89-92
20	Турсунова Мунаввар	Далварзинтепа топоними ҳақида айрим мулоҳазалар	93-95
21	Ҳасанова Нодира Ибрагимовна	Сурхон воҳасида соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар (1917-1941 йиллар мисолида)	96-101
22	Равшан бахши Маматмуратов	“Сарвигул” достонида қўлланилган саъж усулидаги қофияларнинг изчиллиги	102-104

2-шўъба: Юртимизда амалга оширилаётган миллий ва маданий соҳадаги ислоҳатларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти			
23	Гулова Аноргул Ахтамовна	Янги Ўзбекистонда Алишер Навоий илмий-маънавий меъросини ўрганиш бўйича маънавий ислоҳотлар	105-107
24	Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич	Ўзбекистонда маданий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда маънавиятнинг ўрни	108-110
25	Тожибоева Машхурабону Тожибой қизи, Исақова Замирахон Рұхитдиновна	Туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш истиқболлари	111-115
26	Норкулова Сораҳон	Юқори синф ўқувчиларини тарбиялашда виртуал стендлардан фойдаланиш масалалари	116-120
27	Жалолова Зарнигора Сулаймоновна, Исоков Жамшид Зикруллаевич, Эрйигитов Дилшод Холбоевич	Тренернинг спорт машғулотлари жараёнида шуғулланувчилар билан педагогик - психологик мулоқотининг аҳамияти	121-123
28	Саломова Ҳакима Юсуповна	Бухоро меъморий обидаларининг гўзаллик сирлари	124-130
29	Жабборов Достонбек Хушбоқ ўғли	Юртимизда бозор иқтисодиёти шароитида маънавият ва тарбия масаласи	131-133
30	Abdumajidova Zamira	Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarda inson huquqlari masalasiga e'tibor	134-138
31	Тошбобоев Мақсуд Жалилович	Тарихий хотира ва тилга эътибор келажак асосидир	139-141

2-шўъба: Юртимизда амалга оширилаётган миллий ва маданий соҳадаги ислоҳатларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти

Янги Ўзбекистонда Алишер Навоий илмий-маънавий меъросини ўрганиш бўйича маънавий ислоҳотлар

Гулова Аноргул Ахтамовна

*БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси*

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросининг кўлами ва таъсир даражаси шунчалик кенг-ки, шу боис у замон ва макон чегараларини тан олмайди. Унинг асарларида умуминсоний қадриятлар мадҳ этилади. Бу ҳар қандай миллатга мансуб инсон маънавияти учун сув ва ҳаводай зарурдир. Аммо, Алишер Навоий ва унинг асарлари туркийзабон халқлар, жумладан, биз ўзбеклар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва халқнинг миллат сифатида юзага чиқишида бошқа бирор бир шахсият Алишер Навоийчалик чуқур из қолдирмаган. Шунинг учун бизда Навоийни тушуниш ва тушунтириш йўлидаги изланишлар ҳеч қачон тўхтаб қолмаган.

Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, навоийшунослик ривожига Ўзбекистон мустақиллиги бекиёс имкониятлар йўлини очиб берди. Кўпгина устоз-ижодкорлар юртда озодлик шабадалари эсгач, янада янги куч-куват ва илҳом билан ўз тадқиқотларини олиб бордилар.

Бундан ташқари, Нажмиддин Комилов, Дилором Салоҳий, Нигора Сафарова, Шухрат Сирожиддинов, Муҳаммаджон Маҳмуд, Абдусалом Абдуқодиров, Султонмурод Олим, Ҳомидjon Исломов, Сирдарёхон Ўтанова, Эргаш Очилов, Олимжон Давлатов, Ҳусниддин Эшонқулов, Алишер Рассоқов каби тадқиқотчиларнинг қатор тадқиқотлари ва асарлари яратилди.¹¹ Насиба

¹¹ Очилов Э. Комилликнинг икки йўли // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, 2001. – Б. 123-144; Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 214 б; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. - 445 б. Сафарова Н. Мутафаккирлар дунёқарашида уруш ва тинчлик масалаларининг назарий-фалсафий асосланиши. Фалсафа ва ҳуқук журнали. 2/2006, 56-58 б; Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва Ҳадисларнинг бадиий талқини. – Самарқанд, 2017; Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётидаги ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Ҳазойин ул-маоний” мисолида). Филол.фан.док. дисс. ... – Т., 1999; Рассоқов А. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини. Филол.фан.док.(DhD)...дисс. . – Қарши –2019; Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. Филол.фан.док. дисс. ... – Т., 1998.

Бозорова, Бобомурод Эрали, Умид Бекмуҳаммад, Ҳасанхон ва Ҳусайнхон Абдумажидовларнинг алоҳида асарлари, Дилнавоз Юсупова, Сарвиноз Сотиболдиева, Абдувоҳид Ҳайитов, Зухра Мамадалиева, Нодир Ғаффоров, Дилфуз Тўхлиева, Замирахон Исоқова, Малика Раупова, Гулноза Ҳусаинова сингари ёш изланувчиларнинг махсус тадқиқотлари ҳозирга пайтда улуг анъянани давом эттириб келмоқда.¹²

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан навоийшунослик бугунги кунда жаҳон миқёсида ривож олиб бормоқда. Япониялик профессор Кубо, австриялик Берт Фрагнер, америкалик Николас Волмсли, француз олимлари Александр Папас, Марк Тоутант, турк олими Юсуф Четиндоғ, эронлик доктор Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ, покистонлик тадқиқотчи Сўғробону Шукуфта ва бошқалар шоир ижодининг турли қирраларини кашф қилиб, дунё халқларига Навоий даҳосини таништирмоқдалар¹³.

1987-2003 йиллар орасида нашр қилинган Алишер Навоийнинг 20-жилдлик “Мукаммал асарлар тўплами” ўзбек навоийшунослиги қўлга киритган таҳсинга лойиқ ютуқлардандир. С.Фаниева, Ҳ.Сулаймон, А.Қаюмов, П.Шамсиев каби навоийшунос олимлар томонидан ҳар бир жилдинг охирида Алишер Навоий асарларига шарҳ, изоҳ ва тушунтиришлар берилди. Ҳазрат Навоийга тегишли ҳисобланган ўзбек ва форс тилларидаги барча асарларни тўлиқ қамраб олганлиги билан мазкур нашр алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида мутафаккир мероси тўғрисида кенг китобхонлар оммасида мукаммал тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради, албатта.

Шунингдек, турли йилларда чоп этилган “Навоий асарлари луғати”, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” ҳам аллома асарлари мазмун-моҳиятини тушунишда китобхон асосий кўмакчи ҳисобланади.

Ўзбек халқининг Ҳазрат Навоий сиймосига буюк эҳтироми рамзи сифатида вилоят ва шаҳар номига унинг номи берилди. Бундан ташқари пойтахт ва шаҳар марказларида улуг шоир ҳайкаллари савлат тўкиб турибди. Шунингдек, аллома номи билан метро, музей, шоҳ кўчалар, олийгоҳумактаблар, қўйингки, халқ хизматида бўлган кўпгина жамоат ташкилотлари номланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XX асрда ўзбек фидойиларининг хизматлари натижасида буюк бобокалонимиз Алишер Навоийни бутун дунё

¹² Эралиев Б. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида диний-тасаввуфий қирралар // Илмий таҳлилий ахборот. –Тошкент, 2007. - №1-2. – Б. 52-54; Дилнавоз Юсупова. Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий асарлари.<https://kh-davron.uz/10.05.2020>.

¹³“Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий-2017. 153-бет.

таниди. Унинг асарлари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинди. Хорижда Навоий асарлари тадқиқи билан шугулланувчилар сафи кўпайди. Асосийси, ҳуррият даврида бобокалонимиз асарларини бутун бўй-бости билан мафкура яккаҳокимлигидан четлашган шароитда тадқиқ қилиш ва ундаги диний-тасаввуфий мазмун уммонидан баҳра олиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, ахборот воситаларининг юқори даражада такомиллашуви ҳам илм аҳлига мисли кўрилмаган имкониятлар яратмоқда. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Алишер Навоий меросини, нафақат манбащунослик ва матншунослик, адабиётшунослик, тилшунослик нуқтаи назарларидан, қолаверса, мутафаккир онтологик ва гносеологик қарашларининг маданиятшунослик, фалсафий тафаккур, инсоният маънавий тараққиётига қўшган ҳиссасига оид томонларини ҳам тадқиқот марказига олишимиз талаб қилинади.

Адабиётлар:

1. Очилов Э. Комилликнинг икки йўли // Навоийнинг ижод олами. –Тошкент, 2001. – Б. 123-144;
2. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 214 б;
3. Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. - 445 б.
4. Сафарова Н. Мутафаккирлар дунёқарашида уруш ва тинчлик масалаларининг назарий-фалсафий асосланиши. Фалсафа ва хуқуқ журнали. 2/2006, 56-58 б;
5. Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва Ҳадисларнинг бадиий талқини. – Самарқанд, 2017;
6. Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Хазойин ул-маоний” мисолида). Филол.фан.док. дисс. ... – Т., 1999;
7. Раззоқов А. Алишер Навоий шеъриятида илм ва маърифат талқини. Филол.фан.док.(DhD)...дисс. . – Қарши –2019;
8. Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. Филол.фан.док. дисс. ... – Т., 1998.
9. Эралиев Б. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида диний-тасаввуфий қирралар // Илмий таҳлилий ахборот. –Тошкент, 2007. - №1-2. – Б. 52-54;
10. Дилнавоз Юсупова. Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий асарлари.<https://kh-davron.uz/10.05.2020>.
11. “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий - маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари. Навоий-2017. 153-бет.